

«Nilol nashr» нашриётига шайх Ҳасан ибн Абдулҳамид ташриф буюрдилар



16:45 / 10.06.2023 1374

Жорий йилнинг 8 июнь куни «Уммул-Қуро» университетининг ҳайъати аъзоси ва Масжидул Ҳарам имоми шайх Ҳасан Бухорий фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳ томонидан асос солинган «Nilol nashr» нашриёт-матбаасига ташриф буюрди. Азиз меҳмонни нашриёт-матбаа раҳбари Исмоилжон домла Муҳаммад Юсуф кутиб олиб, у зотни ташриф билан муборакбод этдилар. Учрашув асносида меҳмонлар нашриёт фаолияти билан яқиндан танишдилар. Учрашув сўнгида Исмоилжон Муҳаммад Юсуф ташриф буюрган азиз меҳмонга «Nilol Nashr» ва «Дорул Маърифат» нашриётлари ҳамкорлигида чоп қилинган тажвидли мусҳафи шарифнинг катта ўлчамдаги (25 см x 35 см) нашрини ҳадя қилдилар.

Каъба имоми шайх Ҳасан Бухорий 9 июнь куни Ўзбекистон халқаро Ислам Академиясига ташриф буюриб, Академиядаги қўлғамалар фонди билан яқиндан танишиб чиқдилар. Сўнгра Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилиб, Усмон Мусҳафи билан танишдилар.

Маълумот ўрнида шайх Ҳасан ибн Абдулҳамид ибн Абдулҳаким Бухорий ҳафизахуллоҳ 1395 ҳижрий, милодий 1974 йилда Маккаи мукаррама шаҳрида таваллуд топган.

Ҳижрий 1416, милодий 1995 йилда Уммул-Қуро университети «Шариат ва исломий тадқиқотлар» факультети «Ислам шариати» йўналишида

бакалавр босқичини тамомлаган.

Ҳижрий 1422, милодий 2001 йилда мазкур факультет қошидаги «Шаръий олий тадқиқотлар» йўналиши, «Усули фиқҳ» шўбасини тамомлаб, «Имом Таҳовийнинг шаръий матнлардаги қарама-қаршиликларни бартарафи қилиш услуби («Шарҳ: «Мушкил ал-осор» асари асосида)» мавзусида илмий иш ёқлаб, магистрлик дипломини олган.

Ҳижрий 1429, милодий 2008 йилда мазкур шўбада «Сирожиддин Абу Ҳафс Умар ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий аш-Шофиъийнинг «Кафий ал-муҳтаж ила шарҳ ал-Минҳаж» китоби: «Мужмал ва мубайян» бобидан китобнинг охиригача тадқиқ ва таҳқиқ қилиш» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган.

Устозлари:

Отаси Шайх Абдулҳамид

Шайх Абдулмалик Султон Маҳмуд, у кишидан ўн қироатни ўзлаштирган.

Шайх Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамид

Шайх Аҳмад Фаҳмий

Шайх Абдулазиз ибн Саъд Ҳаллоф

Шайх Усмон ибн Иброҳим

Шайх Абдурахмон Судайс ва бошқалар.

Илмий фаолияти:

Макка ҳарами маъҳадида мударрис

Араб тили маъҳадида маърузачи

Араб тилини ўргатиш маъҳадида профессор ассисенти

Араб тилини ўргатиш бўлими мудири

Араб тили маъҳадининг таълим ва алоқалар вакили

Араб тилини ўргатиш маъҳади декани

Масжидул Ҳарам ва Масжидул Набавийда мударрис

Маккадаги «Нофеъ» жомеъсида имом-хатиб

Масжидул Ҳарам ва Масжидул Набавий ишлари бош раёсати маслаҳатчиси.

Ҳозирда шайх Ҳасан Бухорий ҳафизаҳуллоҳ ҳозирга қадар мазкур университетда ҳамда Масжидул Ҳарамда мусулмонларга илму маърифат улашишда давом этмоқда.

Аллоҳ таоло шайх Ҳасан Бухорий ҳафизаҳуллоҳнинг дунё ва охирадаги даражаларини олий қилсин!







Абдуллоҳ Абдулмажид маълумотларидан фойдаланилди